

**“Йилнинг энг яхши дарслик ва ўқув адабиёти муаллифи
танловига ариза бериш” интерактив
хизматининг регламенти**

1. Хизмат таърифи

1.1 Хизмат (паспорти) номланиши

Қисқа номи: “Йилнинг энг яхши дарслик ва ўқув адабиёти муаллифи танловига ариза бериш”

Кенгайтирилган номи: Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали томонидан “Йилнинг энг яхши дарслик ва ўқув адабиёти муаллифи танловига ариза бериш” интерактив хизмати.

1.2 Хизмат натижаси

Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали профессор - ўқитувчиларидан электрон шаклда ариза қабул қилиш.

1.3 Хизмат кўрсатувчи

Хизмат Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали томонидан кўрсатилади.

1.4 Ҳуқуқий асослар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Ўзлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2007 йил 23 августдаги 181-сонли қарори.

1.5 Хизматдан фойдаланувчилар

Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали профессор – ўқитувчилари.

1.6 Ариза бериш муддатлари

Белгиланган муддатларда (ўқув йили охирида).

1.7 Бажариш муддатлари

5 кун.

2. Хизматдан фойдаланувчиларга маълумот тақдим этиш.

2.1 Маълумот таркиби ва ҳажми

Мазкур хизматдан фойдаланиш учун мурожаат қилган ҳар қандай фойдаланувчига қуйидаги ахборот тақдим этилади:

- хизмат кўрсатувчи органнинг жойлашган жойи, иш тартиби, мурожаатларини кўриб чиқиш шартлари ва тартиби ҳақидаги маълумот;
- хизматдан фойдаланиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати;
- ариза бланкасини тўлдириш тартиби ҳақида маълумот;
- хизматдан фойдаланиш муддатлари;
- хизматнинг регламенти мавжудлиги тўғрисида маълумот

2.2 Батафсил маълумот олиш

“Йилнинг энг яхши дарслик ва ўқув адабиёти муаллифи танловига ариза бериш” хизмати тўғрисида ахборот бериш. Университет расмий веб-сайти орқали амалга оширилади.

2.3 Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш

191200 Сурхондарё вилояти Термиз тумани Лимонзор қишлоғи “Янгиобод” маҳалласи Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали.

3. Иш вақитлари ва мурожаат жавобларини кутиш вақтлари.

3.1 Иш вақитлари

Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали танлов комиссияси иш вақти: Душанба - Шанба соат 09⁰⁰ дан 18⁰⁰ га қадар фаолият олиб боради. Ҳафтанинг якшанба куни иш куни ҳисобланади.

3.2 Кутиш шартлари.

Кутиш шартлари белгиланмаган.

4. Хизмат кўрсатиш тартиби

4.1 Зарур бўлган ҳужжатлар

- ЭРИ (электрон рақамли имзо).
- Дарслик ва ўқув адабиётларининг электрон нусхаси.

4.2 Хизмат тўлови

Бепул


4.3 Хизмат кўрсатиш босқичлари.

- Университетнинг расмий сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:
- 1 id.gov.uz орқали рўйхати ўтилади ва тизимга киритилади.
 - 2 “Интерактив хизматлар” бўлимидан “Йилнинг энг яхши дарслик ва ўқув адабиёти муаллифи танловига ариза бериш” хизмати танланади.
 - 3 Аризачининг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ). Лавозими ҳақидаги маълумотлар киритилади .
 - 4 Дарслик ва ўқув адабиётларининг электрон нусхаси илова қилинади.
 - 5 Оммавий оферта билан танишганлик тасдиқланиб.” ЭРИ билан юбориш” функцияси танланади ва ариза юборилади.

4.4 Рад етиш сабаблари


Маълумотлар нотўғри киритилганлиги.

“КИРИТИЛДИ”

Тошкент давлат аграр университети.
Термиз филиали Илмий кенгаш котиби
Ў.Якубов 

“ 28 ” 11. 2017 йил

“КЕЛИШИЛДИ”

Тошкент давлат аграр университети
Термиз филиали Ахборот
технологиялари маркази бошлиғи
Н.Бойсунов 

“ 28 ” 11. 2017 йил